

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯРИЕВ АЛИШЕР АЛИЖОНОВИЧ

**ОЁҚ ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ
ПАТОГЕНЕЗИДА ЯЛЛИҒЛАНИШ МЕДИАТОРИ ҲАМДА ВЕНА
ДЕВОРИНИ ҚАЙТА ТИҚЛАШ МОДИФИКАТОР ГЕНЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

14.00.16–Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Яриев Алишер Алижонович

Оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида
яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш
модификатор генларининг аҳамияти..... 3

Яриев Алишер Алижонович

Вовлеченность генов ремоделирования венозной стенки
и медиаторов воспаления в патогенезе варикозной
болезни нижних конечностей и ее осложнений..... 27

Yariev Alisher Alijonovich

Involvement of genes of venous wall remodeling
and inflammatory mediators in the pathogenesis
of varicose vein disease of the lower extremities and its
complications..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯРИЕВ АЛИШЕР АЛИЖОНОВИЧ

**ОЁҚ ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ
ПАТОГЕНЕЗИДА ЯЛЛИҒЛАНИШ МЕДИАТОРИ ҲАМДА ВЕНА
ДЕВОРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ МОДИФИКАТОР ГЕНЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

14.00.16–Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib704 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Утямышев Равшан Гуламжанович**
тиббиёт фанлари доктори

Расмийоппонентлар: **Азимова Севара Баходировна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Жураева Мохигул Азимжоновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Гельдиева Маргарита Сабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчиташкилот: **Хожи Ахмад Ясавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

Кириш (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда оёқларнинг варикоз касаллиги (ОВК) кенг тарқалган, ирсий келиб чиқиш сабабига эга касаллик ҳисобланади. «The Vein Consult Program» тадқиқоти давомида 91545 нафар пациентлар текширилган, улардан 83,6%да ОВК белгилари аниқланган. Бунда тери ости веналарининг клиник аҳамиятли ўзгаришлари ўртача 40% текширилганларда қайд қилинади, уларнинг тахминан 10% да веноз етишмовчиликнинг финал босқичи–трофик яралар аниқланади. Сурункали веноз етишмовчилик ҳаёт сифатини пасайтиради, кўпчилик ҳолларда меҳнатга лаёқатлилиқ камайишига ёки йўқотилишига олиб келади ва анчагина харажатларни талаб қилади. Турли баҳолашларга биноан «...соғлиқни сақлашга сарфланган умумий харажатларнинг 1-3% веноз тизим касалликлари билан боғлиқ. ОВК кўп омилли касаллик бўлиб, унинг патогенези марказини клапанлар етишмовчилиги ва веноз гипертензия эгаллайди. Аммо, хусусан веналарнинг варикоз кенгайиши томир деворининг таранглиги йўқотилиши билан боғлиқ, бу кўпинча ирсий табиатга эга ва ҳужайрадан ташқари матрикснинг умумий ремоделланиши натижаси ҳисобланади...»¹. Томир деворининг сурункали деформациясига ва қон димланишига жавобан томир девори ҳужайраларида пролиферация, апоптоз ва миграцияга, томир таранглигини бошқариш, ҳужайрадан ташқари матрикс деградацияси ва қайта қурилиши, яллиғланиш, ангиогенез ва бошқа жараёнларга жавобгар бўлган генлар спектри экспрессиясининг индукцияси содир бўлади ва хасталикни эрта баҳолашга асос бўлади.

Жаҳонда оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада оёқ вена касаллиги ва оёқнинг чуқур веналари тромбози кузатилган беморларни клиник-инструментал текшириш, VEGF-A rs2010963 ангиогенези гени полиморфизмларининг нохуш генотиплари ва оёқ вена касаллиги ҳамда унинг асоратлари патогенезида MTHFR гени rs1801133 ОВК гомоцистеин регулятори ташувчиларининг ўрнини, оёқ вена касаллиги ва унинг асоратлари ривожланиш хавфи кузатилган беморларда rs1799750 MMP-1 ва rs652438 MMP-12 полиморф генетик маркерлар ассоциация даражасини ҳамда оёқ вена касаллиги ва назорат гуруҳига киритилган беморларда rs1800471 TGF- β 1 яллиғланишга қарши цитокин генининг аллел ҳамда генотипик вариантлари тарқалиш характерини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада

¹ Калинин Р.Е. и др. //Вестник Национального медико-хирургического Центра им. Н.И.Пирогова. – 2017. – Т. 12. – №. 1. – С. 88-91, ChangS.L. etal. JAMA. 2018 Feb 27;319(8): 807-817.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар кўйилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилинич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Michigan, University of Yale, University of Harvard; University of Stanfor, University of Washington, Lahey Hospital and Medical Center (АҚШ); University Magna Graecia of Catanzaro (Италия); Hull Royal Infirmary (Буюк Британия) University of São Paulo (Бразилия); University Hospital Aachen (Германия); University of Uppsala(Швеция); Lovely Professional University (Ҳиндистон); University of Yonsei (Жанубий Корея), Сеченов номидаги Москва Давлат тиббиёт Университети (Россия); Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uzсайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Жаҳонда оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор илмий-амалий натижалар олинган: жумладан, варикоз касаллигини даволашдаги нотўғри даволашнинг тактик сиёсати, ноаниқ ва нотўғри ташхислаш турли асоратларни ривожланишига олиб келиши исботланган Lahey Hospital and Medical Center (АҚШ); веналарнинг сурункали касалликларда генетик биомаркерларнинг ўрни ва аҳамияти илмий асосланган University Magna Graecia of Catanzaro (Италия); оёқнинг варикоз касалликларни клиник, ультратовуш ва гистологик маълумотларнинг корреляцион боғлиқлиги исботланган Yonsei University (Жанубий Корея); венларнинг варикоз кенгайиши қайт қилинган беморларда Альцгеймер касаллигининг ривожланиш хавфи исботланган University of Michigan (АҚШ) ҳамда оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш тартиби такомиллаштирилган (Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, оёқ вена касаллиги ва назорат гуруҳига киритилган беморларда rs1800471 TGFβ1 яллиғланишга қарши цитокин генининг аллел ҳамда генотипик вариантлари тарқалиш характерини асослаш; оёқ вена касаллигини клиник кечиши ва унга мойилликнинг шаклланишида яллиғланиш медиаторлари ҳамда MMP генининг полиморф вариантлари синтропия даражасини баҳолаш ва ўзаро боғлиқлигини асослаш; даволаш-профилактик тадбирлар олиб боришга индивидуал ёндашишга имкон берувчи оёқ вена касаллиги ривожланиш хавфи ва клиник кечишини самарали башоратлаш мезонларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хужайрадан ташқари матрикс компонентлари – коллаген, эластин, протеогликанлар, фибронектин, ламинин ва бошқа оқсилларнинг, шунингдек уларнинг тўқима ингибиторлари (TIMP)нинг протеолизи учун жавобгар бўлган ген-кандидатларга тахминан матриксли металлопротеиназа генлари (MMP) тааллуқлидир. Қатор тадқиқотларда меъёрдаги веноз деворга солиштирганда варикозли веналар деворида MMP-1, MMP-2, MMP-3, MMP-7, MMP-9, TIMP-1 ва TIMP-3 экспрессияси ошган (Ghaffarzadeh A, Bagheri M, Khadem-Vatani K, Abdi Rad I., 2019; Gomez I, Benyahia C, Louedec L, Leséche G, Jacob MP, Longrois D, Norel X., 2014). Шу билан бир вақтда бошқа ишларда ушбу ўзаро боғлиқлик тасдиқланмаган, бу текширилган веналар сегментларининг ҳар хил жойлашиши билан боғлиқ бўлиши исботланган. Ҳозирги кунда турли аъзо ва тизимлар касалликлари ривожланишида матриксли металлопротеиназалар ва яллиғланиш олди цитокинларнинг ўрнини ўрганишга қаратилган ишлар сони

кўп, аммо, шунга қарамасдан, бу ишларда металлопротеиназалар ва яллиғланиш олди цитокинларни бошқарадиган генлар полиморфизмининг веноз деворининг ремоделланиши, варикоз касалликнинг клиник кечиши хусусияти ва унинг асоратлари ривожланиши хавфи билан боғлиқлиги масалалари жуда ҳам кам ёритилган. Ген-кандидатларнинг аҳамиятини текшириш хорижий тадқиқотчиларнинг текшириш предмети ҳисобланади (Sokolova E, et al., 2015). Агар бир ген-кандидат борасида унинг аҳамияти ҳақида жиддий далиллар тўпланган бўлса, бошқалари ҳақида эса аҳамиятлилигини тасдиқлайдиган ишончли далиллар топилмаган. Масалан, Клиппель-Треноне синдроми билан ассоциация қилган AGGF1 генида rs7704267 ва rs13155212 ларнинг полиморф алмашилиши кўринишидаги мутацияларнинг клиник ҳолатларига тааллуқли кузатувлар нашр этилган. Маълумки, бу синдром магистрал веналарнинг дисплазияси билан тавсифланади (Азаров М.В., Купатадзе Д.Д., Набоков В.В., 2018). Шунингдек, варикоз веналарнинг COL3A1 гени 14-интронида с.951+1G>A (Wendorff H. et al., 2013) ёки 48-экзонда с.3428G>A (оқсилда р.Gly1143Glu аминокислотаси алмашилиши билан) мутацияси ёки веналарда коллаген синтезининг ирсий нуқсони билан хусусиятланадиган Элерс-Данло синдромига олиб келадиган ушбу гендаги с.1568G>A (р.322Gly>Glu) мутацияси (Masuno M. et al., 2012)⁴ билан қўшилиб келиши жуда ҳам кам аниқланади. Артериовенозли мальформациялар ва фистулалар билан хусусиятланган ҳамда ирсийланишнинг аутосом-доминант турига эга жуда кам учрайдиган Паркс-Вебер синдроми мавжуд беморларда RASA1 генида (оқсида р.Arg709X аминокислотаси алмашилиши билан) С>Т мутацияси аниқланиш ҳолатлари баён этилган. Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишига олиб келадиган айрим мутацияларнинг нисбий таъсири ҳақидаги нашрлар ҳам мавжуд. Жумладан, глюкоза-6-фосфат ферменти етишмаслиги билан боғлиқ 4-турдаги оғир туғма нейтропенияни келтириб чиқарадиган G6PC3 генидаги биаллель мутациясида варикоз ривожланишининг юқори хавфи аниқланган (Banka S, Newman W., 2013; Prasad K, Dhar I., 2014). Шу билан бир вақтда хитойлик ва турк олимлари матриксли металлопротеиназалар генларида полиморф алмашилишининг веналарнинг варикоз кенгайиши билан ассоциацияси борлигини намойиш қилишган (Xu H, Zhao Y, Zhang X, Zhu T, Fu W., 2011; Kunt A, et al., 2015). Бошқа хорижий тадқиқотчилар ушбу генларнинг промоторлари полиморфизми ва оёқлар веналарининг варикоз кенгайиши ривожланиш хавфи ассоциацияси даражасини баҳолаш асосида MMP-1 ва MMP-12 матриксли металлопротеиназаларнинг промоторли генлари полиморф вариантлари, мос равишда, варикоз касалликка мойилликнинг аҳамиятли маркерлари ҳисобланмаслиги ҳақидаги хулосага келишган (M. Kurzawski ва ҳаммуал. 2021). R. Mellor ва ҳаммуаллифлари ишида шу геннинг мутацияси катта тери ости венасининг бирламчи клапанли етишмовчилиги билан

⁴ Masuno M. et al. Ehlers-Danlos syndrome, vascular type: A novel missense mutation in the COL3A1 gene. *Congenital Anomalies*. 2012; 52(4): 207-210

ассоциацияси кўрсатиб берилган. 2014 йилда Ҳиндистон олимларининг тадқиқотлари натижалари чоп қилинган (Surendran S. et al. 2014), унда FOXC2 промоторидаги rs34221221 полиморф локуси Т аллелининг оёқлар веналари сурункали касалликлари ривожланиш хавфи билан ассоциацияси аниқланган. Лекин, россия популяциясида rs7189489, rs4633732, rs34221221, rs1035550, rs34152738 ва rs12711457 локусларида бажарилган худди шундай тадқиқотлар санаб ўтилган ҳеч бир локуслар учун варикоз касаллик билан аҳамиятли статистик ассоциациясини аниқламади. Ҳинд ва рус олимлари тадқиқотларидаги ушбу нуклеоид алмашилиш самарасидаги бундай диссонанс чамаси этник омилларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда турли касалликларни сурункали шаклига ўтишни патофизиологик ва молекуляр генетик баҳолаш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Каримов Х.Я., 2021; 2022; Ирискулов Б.У., 2022; Утямышев Р.Р., 2022; Бобоев К.Т., 2022) бироқ, оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш тартиби такомиллаштирилмаган.

Ривожланган давлатларда ОВКни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган йирик-масштабли клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар генетик маркёрларни аниқламасдан амалга оширилмайди. Аммо, Ўзбекистонда ҳозирги кунгача ушбу муаммо ўрганилмаган бўлиб, бу тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади оёқнинг варикозли касалликлари ва унинг асоратлари патогенезида матриксли металлопротеиназалар генларининг полиморфизмини баҳолаш, эрта ташхислаш, ривожланиши ва клиник кечишини башоратлаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оёқ вена касаллиги ва оёқнинг чуқур веналари тромбози кузатилган беморларни клиник-инструментал текшириш;

VEGF-A rs2010963 ангиогенези гени полиморфизмларининг нохуш генотиплари ва оёқ вена касаллиги ҳамда унинг асоратлари патогенезида MTHFR гени rs1801133 ОВК гомоцистеин регулятори ташувчиларининг ўрнини баҳолаш;

оёқ вена касаллиги ва унинг асоратлари ривожланиш хавфи кузатилган беморларда rs1799750 MMP-1 ва rs652438 MMP-12 полиморф генетик маркерлар ассоциация даражасини баҳолаш;

оёқ вена касаллиги ва назорат гуруҳига киритилган беморларда rs1800471 TGF-β1 яллиғланишга қарши цитокин генининг аллел ҳамда генотипик вариантлари тарқалиш характерини баҳолаш;

оёқ вена касаллигини клиник кечиши ва унга мойилликнинг шаклланишида яллиғланиш медиаторлари ҳамда MMP генининг полиморф вариантлари синтропия даражасини баҳолаш ва ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

даволаш-профилактик тадбирлар олиб боришга индивидуал ёндашишга имкон берувчи оёқ вена касаллиги ривожланиш хавфи ва клиник кечишини самарали башоратлаш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 316 нафар беморлар, шулардан: асосий гуруҳда оёқ вена касаллиги ва оёқнинг чуқур веналари тромбозибор 161 нафар беморлар, улар, ўз навбатида, кичик гуруҳларга ажратилди: оёқнинг варикоз касаллигига эга бўлган (n=111) ва оёқнинг чуқур веналари тромбози мавжуд бўлган (n=50). Назорат гуруҳи сифатида 155 нафар соғлом инсонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида ялтиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолашда вена деворининг ремоделланишида ген-детерминантлар–метиленфолатредуктаза (MTHFR генидаги rs1801133), бета ўсиш омилини трансформация қилувчи (rs1800471 гена TGF-β1), томир-эндотелиал ўсиш омили (VEGF-A гени rs2010963), матриксли металлопротеиназалар (MMP1 гени rs1799750 ва MMP-12 гени rs2276109) генларининг ўрнини оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезининг баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида ялтиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолашда клиник, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оёқ веналари касаллиги ва унинг асорати ривожланиш механизмида қон томирлар тонусини назорат қилишда иштирок этувчи ангиогенез – VEGF-A (rs2010963), MMP1 (rs1799750), MMP-12 (rs2276109) ва TGF-β1 (rs1800471) иммун жавоби, MTHFR (rs1801133) фолат даври регулятор генлари полиморф вариантларининг аҳамияти аниқланган;

оёқ веналари касаллиги ва оёқнинг чуқур веналари тромбози шаклланиш молекуляр механизмида MTHFR (rs1801133), VEGF-A (rs2010963), MMP1 (rs1799750) генлари генотипик вариантларининг мустақил ўрни ҳамда генларнинг аллел вариантлари мустақил ёки мазкур патология ривожланишида хавфнинг ошиши ёки камайиши билан сезиларли даражада ассоциацияланувчи ўзаро таъсири исботланган;

оёқ веналари касаллиги кузатилган беморларда тромбоэмболитик асоратнинг шаклланиши ва ялтиғланишга қарши цитокин ҳисобланган TGF-β1 (rs1800471) иммун жавоб генининг нохуш генотипик варианты ташувчилари ўртасида сезиларли ассотсиатив боғлиқлик исботланган;

ангиогенез регуляциясида бевосита иштирокига қарамай, оёқ веналари касаллиги ва унинг асорати патогенезида MMP-12 гени полиморфизмининг rs2276109 мустақил ўрни йўқлиги исботланган;

оёқ веналари касаллигининг шаклланиши ва унинг тромботик асоратига ирсий мойиллигида бета ўзгарувчан ўсиш омили (TGF-β1 гени rs1800471), қон томир – эндотелиал ўсиш омили (VEGF-A гени rs2010963), матрикс металлопротеиназ (MMP1 гени rs1799750 ва MMP-12 гени rs2276109)

метиленфолатредуктаза (MTHFR генида rs1801133) генларининг гомо- ва гетерозигот вариантлари ўрни ҳамда жалб қилинганлик даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оёқ веналари касаллиги ва унинг асорати ривожланишига биринчи марта клиник-инструментал ва молекуляр-генетик мажмуавий тавсифланган;

касалликнинг нохуш кечишига генетик маркер бўлиб хизмат қилувчи метиленфолатредуктаза (MTHFR генида rs1801133), бета ўзгарувчан ўсиш омили (VEGF-A ген rs2010963), матрикс металл протеиназ (MMP1 гени rs1799750 ва MMP-12 гени rs2276109) генлари полиморф локус генотиплари ва аллел даражаси баҳоланган;

оёқ веналари касаллиги ривожланишига нисбатан тизимли ангиогенез гени айрим генотипик вариантларнинг сезиларли ҳимоя самараси намоён қилинган;

шаклланиши ва унинг тромботик асоратига ирсий мойиллигида бета ўзгарувчан ўсиш омили (TGF-β1 гени rs1800471), қон томир – эндотелиал ўсиш омили (VEGF-A гени rs2010963), матрикс металлпротеиназ (MMP1 гени rs1799750 ва MMP-12 гени rs2276109), метиленфолатредуктаза (MTHFR генида rs1801133) генларининг гомо- ва гетерозигот вариантлари ўрни ҳамда жалб қилинганлик даражаси баҳоланган;

оёқ веналари касаллиги ва флеботромбоз кузатилган беморлар орасида матрикс металлпротеиназ генлари, метиленфолатредуктаза генлари (MTHFR генида rs1801133), бета ўзгарувчан ўсиш омили (TGF-β1 гени rs1800471), қон томир – эндотелиал ўсиш омили (VEGF-A гени rs2010963), матрикс металлпротеиназ (MMP1 гени rs1799750 ва MMP-12 гени rs2276109) асосида тадқиқот замонавий усул ва воситалари – Real-Time ПЗР қўллаш орқали баҳоланган;

касалликнинг номақбул кечишининг генетик маркерлари сифатида хизмат қиладиган метиленфолатредуктаза (MTHFR генидаги rs1801133), бета трансформацияловчи ўсиш омили (TGF-β1 гени rs1800471), томир-эндотелиал ўсиш омили (VEGF-A гени rs2010963), матриксли металлопротеиназаларнинг (MMP1 гени rs1799750 ва MMP-12 гени rs2276109) аллеллари ва генотиплари учраш тезлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар асосида оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оёқ варикоз касаллиги ва унинг турли томирли асоратлари генетик структурасини ва ривожланишининг молекуляр механизмини тушуниш, янги башорат алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда даволаш-профилактик тадбирларини шахсга йўналган ҳолда ёндашишнинг назарий асослари яратилганлигини баҳолаш имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти MTHFR (rs1801133), VEGF-A (rs2010963), MMP1 (rs1799750) генларининг полиморфизминини синашни оёқ варикоз касаллиги ривожланиши хавфини ва клиник кечиши кучайишини баҳолашда скрининг текширишларда ушбу патология ва унинг тромбоземболик асоратлари ривожланиши юқори хавфи бор гуруҳларни ажратиш мақсадида мустақил прогностик маркер сифатида тавсия қилиш, ривожланиш хавфи ишонарли юқори қийматларига эга бўлган TGF- β 1 (rs1800471) генининг функционал заифлашган аллел вариантларининг оёқнинг чуқур веналари тромбози ривожланиши юқори хавфини кўрсатувчи маркер сифатида ишлатиш натижасида амалий томир хирургиясига жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворининг қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворининг қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Оёқларнинг варикоз касаллиги ва флеботромбозларни олдини олишда матриксели металлопротеиназалар генларининг эрта ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 ноябрдаги 8н-з/614-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворининг қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш орқали касалликнинг асоратларини олдини олиш ва самарали даволаш тактикасининг эрта танлаш имконининг берган;

оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворининг қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Оёқларнинг варикоз касаллиги ва унинг асоратларида метилентетрагидрофолатредуктаза MTHFR генини эрта аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 ноябрдаги 8н-з/614-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оёқларнинг варикоз касаллиги ва унинг асоратларида метилентетрагидрофолатредуктаза MTHFR генини эрта аниқлаш орқали варикоз хасталигининг тахлика омилларини самарали ташхислаш ва даволаш тактикасининг танлаш имконининг берган;

оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали ва Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 9 март 01-4/130-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши MTHFR геннинг rs1801133 полиморфизмини аниқлаш орқали оёқ варикоз касаллиги ва унинг чуқур веналари тромбозини эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда унинг кечишини башоратлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оёқларнинг варикоз касаллигининг клиник ва генетик детерминантларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг тарихи ва замонавий ҳолати, оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини, касаллик эпидемиологияси ва асосий хавф омиллари, патофизиологияси ва оёқ варикоз касаллиги ва унинг тромботик асоратлари ривожланиши мойиллигининг генетик омиллари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари патогенезида яллиғланиш медиатори ҳамда вена деворини қайта**

тиклаш модификатор генларининг аҳамиятини баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва усуллари ёритилди. Молекуляр–генетик тадқиқотларда қўлланилган эритма ва ферментлар, ДНКни аниқлаш усуллари, полимераз занжир реакцияси (ПЗР) ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган.

Тадқиқотда жами 316 нафар инсонлар текширилиб, улар қуйидаги гуруҳларга киритилди: асосий гуруҳга ОВК ва флеботромбозга ирсий мойил беморлар($n=161$), улар ўз навбатида яна кичик гуруҳларга бўлинди: варикоз касаллиги (ОВК) кузатилган беморлар гуруҳи ($n=111$), вена тромбози кузатилган беморлар гуруҳи ($n=50$) ва назорат гуруҳи - 155 нафар мутлоқ соғлом кишилар.

Тадқиқотда ҳаммаси бўлиб 316 нафар пациентлар текширилиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинди: Асосий гуруҳга ОВК ва флеботромбозга ирсий мойиллиги аниқланган ($n=161$) беморлар ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинди: варикоз касаллиги (ОВК) кузатилган беморлар гуруҳи ($n=111$), вена тромбози аниқланган беморлар гуруҳи ($n=50$) ва назорат гуруҳини 155 нафар мутлоқ (шартли) соғлом кишилар ташкил қилган.

Асосий ва назорат гуруҳлари бурча текширилаётган кишиларида қуйидаги генлар МТНFR гени rs1801133, TGF- β 1 гени rs1800471, VEGF-A гени rs2010963, MMP1 генида rs1799750, MMP-12 гени rs2276109 полиморф локуслари частотаси текширилди.

Барча текширилганлардан EDTA Vacutainer (Purple cap, EDTA K3, 13*75 mm, 5 ml) найчада қон намунаси олинди. Лейкоцитлар ДНК ни ажратиш учун «Ампли Прайм РИБО-преп» (ООО «Интерлабсервис», Россия) тўпламидан фойдаланиб, текширилди. Полиморфизмлар детекцияси ООО НПФ Литех (Россия) жамланмасидан фойдаланиб, Real-Time форматида аллелнинг ўзига хос ПЗР усулида Rotor Gene Q (Qiagen, Германия) ускунасида полимераз занжир реакцияси (ПЗР) йўли билан олиб борилди. Статистик ҳисоблашда «Open Epi 2009, Version 9.3» амалий дастур пакетидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Оёқларнинг варикоз касаллиги ген-номзодларини молекуляр-генетик баҳолаш натижалари»** деб номланган учинчи бобида ОВК ва унинг асоратлари келиб чиқиш хавфида МТНFR гени rs1801133 полиморфизми, TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми, VEGF-A гени rs2010963 полиморфизми, MMP1 гени rs1799750 полиморфизми, MMP-12 гени rs2276109 полиморфизми таъсирини текшириш натижалари берилган.

МТНFR генида rs1801133 полиморфизм генотип ва аллелларнинг тарқалиш даражасини текшириш, ОВК ҳамда флеботромбоз, назорат намунасига ирсий мойиллиги кузатилган беморлар асосий гуруҳида тақсимланишининг тафовут натижалари 1-расм ва 1-жадвалда берилган, назорат гуруҳида С-аллел устунлик қилиб, унинг даражаси 77,7% га қарши 63,7% ни ташкил қилди ($\chi^2>3,84$; $p<0,05$; OR=0,5; 95% CI:0,35-0,71), Т аллел эса ОВК ва вена тромбози кузатилган беморлар гуруҳида устунликка эга бўлди, унинг частотаси 22,3% га нисбатан 36,3%ни ташкил қилди ($\chi^2>3,84$; $p<0,05$; OR=2; 95% CI: 1,40-2,83).

Шундай қилиб, олинган маълумотлар бўйича асосий гуруҳда Т-аллел частотаси устун бўлса, айти вақтда назорат гуруҳида С-аллел устун бўлиб, аниқланиш даражаси юқори бўлди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $OR = 2,0$; $95\% CI: 1,40-2,83$).

Асосий ва назорат гуруҳлари беморларининг МТНFR генида rs1801133 полиморфизми С/С, С/Т ва Т/Т генотипларининг тарқалиш даражаси: 62,6%, 30,3% ва 7,1% га нисбатан 48,4%, 30,4% ва 21,1% ни ташкил қилади (1-жадвалга қаранг). Ёввойи С/С генотипи асосий гуруҳда статистик жиҳатдан камроқ аниқланди, унинг улуши назорат гуруҳида 62,6% га нисбатан 48,4% ни ташкил қилди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $OR = 0,6$; $95\% CI: 0,36-0,88$).

С/Т гетерозигот генотиплари асосий ва назорат гуруҳлари беморлари орасида амалий жиҳатдан деярли бир хил даражада 30,3% га нисбатан 30,4% учради ($\chi^2 = 1$; $p > 0,05$; $OR = 1,3$; $95\% CI: 0,79-2,14$).

Т/Т нохуш генотипининг улуши назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳ беморларида сезиларли даражада юқори бўлди, 7,1% га нисбатан 21,1% ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $OR = 3,8$; $95\% CI: 1,83-8,08$).

Шундай қилиб, гомозигот мутант генотипи ОВК ривожланиш хавфини деярли 4 мартага оширади ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $OR = 3,8$; $95\% CI: 1,83-8,08$).

1-жадвал

Назорат гуруҳида ва асосий гуруҳда оёқ варикоз хасталиги кузатилган беморлар МТНFR генида rs1801133 полиморфизмлари ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик даражаси

Текширилган гуруҳлар	Аллел ва генотиплар	Статистик фарк			
		Odds ratio		χ^2	p-value
		OR	95% CI:		
Асосий гуруҳ (n=161)	С	0,5	0,35–0,71	15,1	0,0001*
	Т	2,0	1,40–2,83		
	С/С	0,6	0,36–0,88	6,4	0,01*
	С/Т	1,3	0,79–2,14	1,0	0,31
	Т/Т	3,8	1,83–8,08	13,7	0,0002*

Изоҳ: * - статистик аҳамиятга эга (ишончли)

Тромботик асоратларсиз ОВК кузатилган беморларнинг кичик гуруҳларини текшириш назорат намуна билан С аллел улуши 63,1% ни ташкил қилиб, ОВК аниқланган беморлар орасида паст бўлди, чунки бу гуруҳда у 77,7% ни ташкил қилди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $OR = 0,5$; $95\% CI: 0,33-0,72$).

Вена тромбозларисиз ОВК кузатилган беморлар ва назорат гуруҳи беморлари орасида МТНFR гени rs1801133 полиморфизмининг С/С, С/Т, Т/Т генотиплари қуйидагича тақсимланди: 62%, 30% ва 7% қараганда 49,5%, 27,0% ва 23,4%.

Ёввойи С/С генотипининг улуши назорат гуруҳининг шартли соғлом кишиларига нисбатан 62,6% ОВК асоратсиз шакли кузатилган беморлар орасида 49,5% ни ташкил қилди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; OR=0,6; 95% CI:0,36-0,96).

Мутант Т/Т генотиби улуши вена тромбозисиз ОВК кузатилган беморлар орасида статистик аҳамиятга эга бўлди ва назорат намунасида 7,1% қараганда 23,4%ни ташкил қилди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; OR=4,2; 95% CI:1,91-9,08) (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Назорат гуруҳида ва оёқ варикоз касаллиги аниқланган беморлар гуруҳида МТНFR гени rs1801133 полиморфизмлари ўртасидаги ассоциатив боғлиқликни натижалари

Текширилган гуруҳлар	Алел ва генотиплар	Статистик фарқ			
		Odds ratio		χ^2	p-value
		OR	95% CI:		
Варикоз касаллиги (n=111)	С	0,5	0,33–0,72	13,7*	0,0002*
	Т	2,0	1,40–3,00		
	С/С	0,6	0,36-0,96	4,5*	0,03*
	С/Т	1,1	0,64–1,98	0,2*	0,68
	Т/Т	4,2	1,91–9,08	14,1*	0,0002*

Изоҳ: * - статистик аҳамиятга эга (ишончли)

Шундай қилиб, тадқиқот олиб бориш жараёнида ОВК асоратланмаган вена тромбозис кузатилган беморлар гуруҳида ва назорат намунасида МТНFR гени rs1801133 полиморфизм генотип ва аллеллари тақсимлаш частотаси ўртасида тафовутларнинг мавжудлиги аниқланди, бунда гомозигот Т/Т генотиби ОВК ривожланиши ва вена деворлари тузилишли ўзгаришлари шаклланишининг хавфи тўрт марта ошиши мумкин ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; OR=4,2; 95% CI:1,91-9,08).

Текширилаётган гуруҳларда МТНFR гени rs1801133 полиморфизм генотиплари ва аллеллари тарқалиш даражаси фарқи аниқланди, С аллел вена тромбозлари аниқланган беморлар орасида назорат гуруҳидаги шартли соғлом инсонларга таққосланганда кам аниқланди, уларда 65,0% ва 77,7% ҳолатда кузатилди ($\chi^2 = 6,5$; $p > 0,01$; RR=0,6; 95% CI:0,33-0,87; OR=0,5), бу ушбу аллелни протектив характерга эга эканлигини кўрсатади.


Шу билан бир вақтда Т аллел ташувчилари вена тромбозлари аниқланган беморлар орасида шартли соғлом инсонлардан фарқли ўларок, 22,3% га нисбатан 35,0% кўпроқ учради ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; OR=1,9; 95% CI:1,15-3,07).

Назорат гуруҳи ва вена тромбозлари кузатилган беморлар гуруҳида МТНFR гени rs1801133 полиморфизми С/С, С/Т, Т/Т генотиплари даражаси 63%, 30% ва 7% қараганда 46%, 38% ва 16% ни ташкил қилади.

Тромботик асоратлар кузатилган беморлар орасида ёввойи С/С генотипининг улуши 46,0% ни ташкил қилди, бу улуш 62,6% ни ташкил қилган назорат гуруҳига нисбатан сезиларли паст эди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $OR = 0,5$; $95\% CI: 0,27-0,97$).

Шундай қилиб, тадқиқот давомида ОВК ва назорат гуруҳи беморлари ўртасида МТНFR гени rs1801133 полиморфизими генотиплари ва аллелларининг тарқалиш частоталарида тафовутлар борлиги аниқланди, унда гомозигот Т/Т генотиби ОВК ва вена тромбозлари асоратлари ривожланиш хавфини оширади.

Оёқ варикоз касаллиги ва унинг асоратлари келиб чиқиш хавфига TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизмининг таъсирини ўрганиш. Веналарнинг варикоз кенгайиши сурункали вена касалликларининг кенг тарқалган асорати ҳисобланади. Текширилаётган гуруҳ ва кичик гуруҳларда TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми аллел ва генотиплари тарқалишини текшириш, улар учрашида тафовутларнинг мавжудлиги асосий ва назорат гуруҳларида G аллел улуши 92,0% нисбатан 96,0% ни ташкил қилишини кўрсатди ($\chi^2 = 3,6$; $p = 0,06$; $95\% CI: 0,26-1,07$; $OR = 0,5$) (1 ва 2-расмларга қаранг).



1-расм. Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми аллелларининг тарқалиш даражаси

ОВК асоратланган ва асоратланмаган вена тромбозлари кузатилган беморлар орасида С аллел улушининг устунликка мойиллиги кузатилди, унинг концентрацияси 8,0% га тенг бўлиб, назорат гуруҳида аниқланиш частотаси 4,0% ни ташкил қилди ($\chi^2 = 3,6$; $p = 0,06$; $95\% CI: 0,97-3,83$; $OR = 1,9$).


Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми G/G, G/C, C/C генотиплари куйидагича тарқалди: 85,0%, 16,0% ва 0% нисбатан 92,0%, 8,0% ва 0%. Генотиплар тарқалишини ўрганиш асосий гуруҳ беморларига нисбатан назорат гуруҳи шартли соғлом кишилари орасида ёввойи G/G генотиби устунлигига мойиллигини кўрсатди ($\chi^2 = 3,8$;

$p=0,05$; $RR=0,7$; $OR=0,5$; $95\%CI:0,24-1,01$). Шу билан бир вақтда назорат намунасига нисбатан асосий гуруҳ беморлари орасида гетерозигот G/C генотипининг устунликка аниқ мойиллиги аниқланди, бу асосий гуруҳда касаллик ривожланиш хавфини ошириш эҳтимоли бўлиши мумкин ($\chi^2=3,8$; $p=0,05$; $RR=1,3$; $OR=2$; $95\%CI:0,99-4,09$).

Шу билан бирга, мутант C/C генотиби асосий ва назорат гуруҳларида аниқланмади.

Олинган маълумотларга кўра, назорат гуруҳида ва ОВК кузатилган беморлар гуруҳларида тадқиқот мобайнида ОВК беморларида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморф локусининг G ва C аллеллари тарқалишида статистик аҳамиятга эга бўлмаган тафовут аниқланди.

Назорат гуруҳида фақат ОВК кузатилган беморларда G аллели етарлича тенг миқдорда тарқалди ва унинг аниқлаш даражаси асосий гуруҳда 96,0% нисбатан 95,0% ни ташкил қилди ($\chi^2=0,4$; $p=0,5$; $95\%CI:0,34-1,71$; $OR=0,8$). Аллел улуши ОВК аниқланган беморлар гуруҳида ва назорат гуруҳида нисбатан бир хил миқдорда тарқалган, уларнинг аниқланиш даражаси 5,0% нисбатда 4,0%ни ташкил қилди ($\chi^2=0,4$; $p=0,5$; $95\%CI:0,58-2,92$; $OR=1,3$).



2-расм. Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми генотипларининг тарқалиш даражаси

ОВК аниқланган беморлар гуруҳида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизмининг G/G, G/C, C/C генотиплари назорат гуруҳига мос ҳолда 92,0%, 8,0% ва 0% га нисбатда 89,0%, 11,0% ва 0% частотада аниқланди.

Тромботик асоратларсиз ОВК аниқланган беморлар гуруҳига нисбатан назорат гуруҳида ёввойи гомозигот G/G генотиби сезилмас даражада устунлик қилди ($\chi^2=0,5$; $p=0,5$; $OR=0,7$; $95\%CI:0,33-1,72$).

Асосий гуруҳ беморлари орасида гетерозигот G/C генотиби сезилмас даражада устунликка эга бўлди, унинг улуши 8,0% ҳолатда аниқланган назорат гуруҳига нисбатан 11,0% ни ташкил қилди ($\chi^2=0,5$; $p=0,5$; $OR=1,3$;

95%CI:0,58-3,02). Мутант С/С генотиби ОВК кузатилган беморлар гуруҳида ва назорат гуруҳида ҳам аниқланмади.

ОВК асоратланган вена тромбози кузатилган беморлар орасида гетерозигот G/C генотиби 26,0% ҳолатда аниқланди, бу назорат гуруҳига нисбатан частотаси 8,0% ни ташкил қилганда устунликка эга эканлигини кўрсатди ҳамда тромботик асоратлар аниқланган беморлар гуруҳида касаллик ривожланиш хавфини сезиларли тарзда оширди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; OR=3,9; 95%CI:1,64-8,98).

Мутант С/С генотиби вена тромбозлари аниқланган беморлар гуруҳи сингари назорат гуруҳида ҳам аниқланмади.

Шундай қилиб, ОВК асоратланган вена тромбози кузатилган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми аллел вагенотиплари тарқалиш частотасини ўрганиш гетерозигот G/C генотипини аниқланиши касаллик ривожланиш хавфини сезиларли оширишини кўрсатади.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижалари ҳам ОВК ва унинг асоратлари ривожланишида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми ассоциациясини тасдиқлади. Мазкур геннинг молекуляр-генетик текшируви G/C генотипининг мавжудлиги прогностик аҳамиятли омил ҳисобланиб, вена тромбози ривожланиш хавфини 4 мартага оширишини аниқлади ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; OR=3,8; 95%CI:1,64-8,98). Шубҳасиз, ОВК да қон томир деворлари қайта моделлашиш жараёнида TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизми фаол иштирок этади.

Маҳаллий популяцияда олиб борилган тадқиқот ОВК кузатилган беморларда вена тромбози ривожланиш хавфи билан TGF- β 1 гени rs1800471 полиморфизмининг G/C генотиби ассоциациясини тасдиқлайди.

ОВК ва унинг асоратлари келиб чиқиш хавфига VEGF-A полиморфизми rs 2010963 нинг таъсирини ўрганишда ўсиш омиллари, жумладан, қон томир ўсиш омили, ўсиш учун масъул протеин, эндотелиал ҳужайралар ва қон томирлар пролиферацияси ўрни ўрганиш ангиогенез учун устувор йўналиш бўлади. ОВК асоратланмаган шакли кузатилган беморлар ва ОВК асоратланган вена тромбозлари кузатилган беморларни ўзи ичига олган асосий гуруҳда С аллелнинг учраш частотаси сезиларли даражада паст бўлиб, 85,5%дан иборат бўлган назорат гуруҳига нисбатан 54,3% ни ташкил қилди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; RR=0,5; 95%CI:0,45-0,60; OR=0,2; 95%CI:0,14-0,30) (3-жадвалга қаранг).

Асосий гуруҳ беморларида G аллел тарқалишининг улуши 45,6% ни ташкил қилди, бу тарқалганлик 14,5% ни ташкил қилган назорат гуруҳида шартли соғлом кишиларга нисбатан сезиларли даражада кўп эди, бу ОВК мавжудлиги ҳамда убу аллелнинг аниқланиши ўртасида ассоциатив боғлиқлик борлигини кўрсатади ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; RR=1,9; 95%CI:1,68-2,21; OR=5,0; 95%CI:3,37-7,27).

Асосий гуруҳда VEGF-A гени rs2010963 полиморфизми ёввойи С/С генотиби улушининг тарқалиши 74,2% ни ташкил қилган назорат гуруҳига

нисбатан 31,6% ни ташкил қилиб, паст бўлди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $RR = 0,4$; $95\% CI: 0,33-0,54$; $OR = 0,2$; $95\% CI: 0,10-0,26$).

3-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида VEGF-A гени rs2010963 полиморфизмлари ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик

Текширилган гуруҳлар	Алеллар ва генотиплар	Статистик фарқ					
		Relativerisk		Odds ratio		χ^2	p-value
		RR	95% CI:	OR	95% CI:		
Асосий гуруҳ (n=161)	C	0,5	0,45 – 0,60	0,2	0,14 – 0,30	72,4	0,000001*
	G	1,9	1,68 – 2,21	5,0	3,37 – 7,27		
	C/C	0,4	0,33 – 0,54	0,2	0,10 – 0,26	57,3	0,000001*
	C/G	2,2	1,69 – 2,86	4,7	2,79 – 7,92	35,9	0,000001*
	G/G	2,9	2,22 – 3,70	2,9	2,22 – 3,70	45,2	0,000001*

Асосий гуруҳ беморлари орасида гетерозигот C/G генотиби концентрацияси 45,3% ни ташкил қилди, 22,6% ҳолатда аниқланган назорат гуруҳига нисбатан унинг учраш частотаси ортиб кетди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $RR = 2,2$; $95\% CI: 1,69-2,86$; $OR = 4,7$; $95\% CI: 2,79-7,92$).

Асосий гуруҳ беморлари орасида мутант гомозигот G/G генотипининг аниқлаш улуши 3,2% ни ташкил қилган назорат намунасида аниқланган ушбу генотибни аниқлаш фоизидан 23,0% кўпроқ даражада кузатилди ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$; $RR = 2,9$; $95\% CI: 2,22-3,70$; $OR = 2,9$; $95\% CI: 2,22-3,70$).

Шунингдек ОВК асоратланмаган шакли кузатилган 111 нафар беморда шартли соғлом ўрганилаётган кишиларга нисбатан VEGF-A гени rs2010963 полиморфизмининг аллел ва генотиплари тарқалганилиги ўрганилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Назорат гуруҳида ва ОВК асоратланмаган шакли кузатилган беморлар гуруҳида VEGF-A гени rs2010963 полиморфизмининг аллел ва генотиплари ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик даражаси

Текширилган гуруҳлар	Алел ва генотиплар	Статистик фарқ					
		Relativerisk		Odds ratio		χ^2	p-value
		RR	95% CI:	OR	95% CI:		
Варикоз касаллик (n=111)	C	0.5	0.44 - 0.64	0.3	0.19 - 0.43	37.0	0.000001*
	G	1.9	1.57 - 2.27	3.5	2.32 - 5.34		
	C/C	0.4	0.32 - 0.58	0.2	0.13 - 0.37	33.7	0.000000
	C/G	2.2	1.63 - 3.01	4.1	2.33 - 7.04	25.9	0.000001*
	G/G	2.8	1.92 - 3.95	8.0	2.75 - 23.42	18.5	0.000018*

Асосий гуруҳда VEGF-A гени rs2010963 полиморф локусининг аниқланган С аллел улуши 62,6% ни ташкил қилиши, аниқлик даражаси 85,5%ни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан кам бўлди ($\chi^2>3.84$; $p<0.05$; RR=0.5; 95% CI:0.45-0.60; OR=0.2; 95% CI:0.14-0.30).


G аллели, аксинча, ОВК асоратланмаган шакли кузатилган беморлари орасида устунлик қилиб, 37.4% ҳолатда кузатилди, назорат гуруҳига таққосланганда кўпроқ учради (14,5%) ($\chi^2>3,84$; $p<0,05$; RR=1.93; 95% CI:1.68-2.21; OR=5.0; 95% CI:3.37-7.27).

VEGF-A гени rs2010963 полиморф локусининг C/C, C/Gва G/G генотиплари қуйидагича тарқалган: ОВК кузатилган беморлар гуруҳида 38,7%, 47,5% ва 13,5% нисбатан 74,2%,назорат гуруҳида 22,6% ва 3,2%.

